



Дмитрий Тимофеевич Свищевский (1840—1922) — Россия империясининг мухандис-генерали, Туркистонни босиб олишда иштирок этган, Россия империясининг Харбий кенгаши аъзоси.

Дмитрий Тимофеевич Свищевский (1840—1922) — Россия империясининг мухандис-генерали, Туркистонни босиб олишда иштирок этган, Россия империясининг Харбий кенгаши аъзоси.

Свищевский 1840 йил 11 февралда Херсон губерниясининг Каменец-Подольская губерниясида тугилган, Кременчуг пиёда полкининг кўмондони, полковник Тимофей Иванович Свищевскийнинг ўгли. У 1-кадет корпусида таълим олган ва 1859 йил 16 июнда прапорщик унвони билан Павловск гвардияси полкига, Николаев мухандислик академиясига тайинланган.

1861—1863 йилларда Кавказга хизмат сафаридан ўтиб, Самур пиёда полкининг 6-захира батальонида хизмат килган, тоғликларга қарши юришларда катнашган. 1863 йил 6 декабрда поручик унвонига кўтарилган. У таълимни Николаев мухандислик академиясида давом эттирган ва 1865 йил 12 августда 1-разряд бўйича уни тамомлаган. Кейин Кавказнинг 2-чи сапёр батальонига тайинланиб, Туркистонга йўл олган.

1866 йил бошида Свищевский Оренбург (кейинчалик Туркистон) сапёр ротасига ўтказилди ва Туркистон минтақаси харбий губернатори тасарруфига тайинланди. Шу йилнинг ўзида Бухоро ва Кўкон хонликларига қарши юришларда катнашиб, Хўжандни камал қилишда ажралиб турди. Генерал Романовскийнинг рапортида "поручик Свищевский алохида мактовга сазовор" деб қайд этилган.

1866 йил 2 октябрда Оренбург сапёр ротаси кўмондони этиб тайинланди. Ура-Тепа камали ва хужимида, Янги-Кўргон деворларига мина қозишда ва Жиззах хужумида

иштирок этган. Жиззахни олиш учун у "Жасорат учун" ёзуви туширилган олтин килич билан тақдирланган. Шу йилда штабс-капитан унвонини олган.

1868 йилда Бухоро амирига қарши юришда иштирок этган, бу юриш Бухоро хонлигининг тўлиқ босиб олинишига олиб келган. Шу юришлардаги фаоллиги учун капитан унвонига (1868 йил 24 октябрдан) сазовор бўлган.

Туркистон харбий округи қўшинларида хизматни давом эттирган ҳолда, 1872 йил 25 декабрда подполковник унвонига кўтарилди. 1873 йил Хива хонлигига қарши юришда иштирок этган. Туркистонда хизмат килаётганида Тошкентнинг Европа қисмларида сув қувурлари қурилишига бошчилик қилган ҳамда минтақадаги йўлларни тузатиш ва янги йўлларни қуриш билан шугулланган.

1875 йил 25 декабрда полковник унвонига эришган ва 5-сапёр батальони қўмондони этиб тайинланган. 1877—1878 йилларда Болкон урушида иштирок этиб, Дунайнинг Никопол бўйидаги қўприги қурилишини туркларнинг ўт очишида назорат қилган. Бу ишлари учун Георгий найларини олган.

1888 йил 17 августда генерал-майор унвонига кўтарилган, 1896 йилда генерал-лейтенант унвонини олган. 1906 йилда асосий лавозимларини саклаган ҳолда Инженер қўмита аъзоси этиб тайинланган. 1916 йилда нафақага чиқиб, 1922 йилда ўлган.

Абу Муслим